

**Бош прокуратура Академияси томонидан  
2021 йилда амалга оширилган фаолият тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

Прокуратура органлари ходимларининг билим-малакасини ошириш, маънавий-ахлоқий фазилатларини юксалтириш, салоҳиятли кадрлар корпусини шакллантириш мақсадида Академия томонидан 2021 йилда **87 та** малака ошириш курслари ташкил этилиб, уларда **5028** нафар ходим тахсил олди (*шулардан, 1715 нафари прокуратура, 201 нафари Департамент, 2 398 нафари Мажбурий ижро бюроси ва 714 нафари бошқа давлат органлари ходимлари*).

Прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш курсига қабул қилиш жараёнлари такомиллаштирилиб, энг сара ходимларни танлаб олиш имконини берувчи **янги уч босқичли танлов тизими** жорий қилинди ва ҳозирги кунда ушбу курсларнинг иккинчи босқичи ўтказилмоқда.

Курсларни ўтказишда тингловчиларнинг замонавий бошқарув ва менеджментнинг инновацион шакллари ва методларини ўзлаштиришига ҳамда лидерлик кўникмаларининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда ЕХХТ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда **республикада ягона бўлган** “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” мутахассислиги бўйича магистратура йўналиши очилди, ушбу йўналишга 10 нафар тингловчи қабул қилинди.

Ходимларнинг эҳтиёж ва қизиқиши асосида яқка тартибда малака ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида, **электив (танлов) ўқув курслари** ташкил этилган бўлиб, **214** нафар ходим улар орқали малака ошириш истагини билдириб рўйхатдан ўтган.

Ходимларнинг **мажбурий курсларда** малакасини ошириш бўйича янги механизм ва тегишли ўқув материаллари ишлаб чиқилди (*маълумот учун: ушбу курслар, ходим бошқа йўналишдаги лавозимга тайинланган тақдирда, унда соҳага оид билим ва дастлабки кўникмаларни шакллантириш имконини беради*).

Ходимларнинг билимларини ошириш жараёнларида давлат тилига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Академия томонидан илк маротаба прокуратура ходимларининг нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритишга оид кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган “Юридик соҳада давлат тили” мавзусидаги танлов ташкил этилди.

Эсселар танлови, билимдонлик ҳамда шеърхонлик йўналишларида ташкил этилган уч босқичли танлов тумандан республика даражасигача тизимнинг барча поғоналари ходимларини қамраб олди.

Ходимларининг касбий ривожланишини мониторинг қилиб борилишини таъминлаш мақсадида **2200 дан ортиқ** ходимларнинг кўникмалари **уч босқичда** диагностикадан ўтказилди.

Амалиётдаги муаммолардан келиб чиқиб, муайян ҳудудлар ходимлари учун **мақсадли ва аниқ йўналтирилган 3 та ўқув курслари** ташкил этилиб, уларда 100 дан ортиқ тингловчилар иштироки таъминланди (**Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари** ходимлари учун курслар).

Департамент органларига юклатилган янги вазифалардан келиб чиқиб ва бевосита ушбу орган сўровига асосан “Энергия ресурслари ва ичимлик сувини талон-тарож қилиш механизмларини аниқлаш ва фoш этиш” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилди.

Шунингдек, судларда прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти билан шуғулланаётган ходимларнинг билим-малакасини ошириш мақсадида мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни **босқичма-босқич ўқитиш тизими жорий этилди**.

Хусусан, 2021 йил 2-ярми давомида туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ёрдамчилари иштирокида “Экология соҳасидаги жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар бўйича суд жараёнларида прокурор иштироки ҳамда мазкур тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш масалалари”, “Жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасида прокурор иштироки”, “Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида прокурорлар томонидан судларда кўрилган фуқаролик, маъмурий ҳамда иқтисодий ишларни ўрганиш ва суд ҳужжатларига протест келтириш масалаларида қонунийликни таъминлаш” мавзуларида **ўқув курслари ташкил этилди**.

Бундан ташқари, судларда прокурор ваколатини таъминлаш йўналишида фаолият олиб бораётган ходимларга ихтиёрийлик асосида ўқишлари учун **электив курслар ташкил этилган**.

Шунингдек, судларда прокурор ваколатини таъминлаш йўналишида фаолият олиб бораётган ходимлар учун **онлайн шаклда вебинарлар ўтказиб келинмоқда**.

Шу каби, мазкур йўналишда прокуратура органларини **методик таъминлаш мақсадида** “Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: киёсий-ҳуқуқий таҳлил” мавзусида монография ва “Прокурорнинг жиноят суд процессидаги фикри” мавзусида ўқув-амалий қўлланма тайёрланди.

Умуман олганда, жорий йилда **3 та дарслик, 1 та тўплам ҳамда 18 та ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар** ишлаб чиқилиб, ижтимоий ва иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати каби йўналишларнинг илк маротаба тўлиқ ва батафсил тарзда **услубий жиҳатдан қамраб олиниши** таъминланди.

Иқтисодий ишлар бўйича қабул қилинган суд қарорларини ўрганиш натижалари бўйича “Иқтисодий суд ишларини юритишнинг айрим масалалари” номли **практикум тайёрланиб**, электрон шаклда “SEDO” электрон тизимига жойлаштирилди.

Прокуратура органлари фаолиятини методик таъминлаш, ходимларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида ҳам Академия томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Академия ҳузурида **3 та** ихтисослик бўйича илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш мавжуд бўлиб (2018 й. – **1 та**), шундан **12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура** ва **12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар)** ихтисосликлари республикада **ягона Илмий кенгаш** ҳисобланади.

Академияда бугунги кунда **12 нафар таянч докторант** ва **90 нафар мустақил изланувчи (62 нафар** прокуратура ходимлари) илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширмоқда.

Профессор-ўқитувчилар томонидан **300 дан** ортик, докторант ва изланувчилар томонидан эса **500 га** яқин илмий мақолалар чоп этилди.

Жорий йилда Академиянинг **2 нафар** ходими диссертация ишини ҳимоя қилди, шунингдек **3 нафари профессор, 3 нафари доцент** илмий унвонига эга бўлди.

**ОАК** қарори билан 2021 йилдан Академияга “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва амалий йўналишлари” бўйича **махсус имтиҳон, ихтисослик** ва “**Чет тили**” фанидан **малака имтиҳонлари қабул қилишга руҳсат берилиб**, бугунги кунгача **92 та** талабгор имтиҳондан ўтказилган.

Академияда ТДЮУ, Судьялар олий мактаби, ИИВ Академияси, Жамоат ҳавфсизлиги университети, ДХХ Академияси, Божхона институти, Юристар малакасини ошириш маркази ва бошқа таълим муассасаларини ўзида бирлаштирган **Илмий-тадқиқот консорциуми** ташкил этилган.

ОАКнинг илмий нашрлари рўйхатига киритилган “**Бош прокуратура Академиясининг Ахборотномаси**” илмий-амалий журналининг **3 та** сони нашрдан чиқарилди, шунингдек “**ProAcademy**” электрон журналида чоп этилган илмий мақолалар **нуфузли хорижий журналларда чоп этиладиган илмий мақолаларга тенглаштирилди** ҳамда ТДЮУ билан ҳаммуассасликда “**Криминология ва жиноий одил судлов**” электрон журналинини чоп этиш йўлга қўйилди.

Академик мобиллик дастури доирасида нуфузли хорижий таълим муассасаларида (АҚШ, Япония, Швеция) **4 нафар** профессор-ўқитувчининг стажировкаси ҳамда **4 нафар** тингловчининг таҳсил олиши ташкиллаштирилди. Бундан ташқари, **Швеция, Италия** ва **Латвиядан 1 нафардан** тадқиқотчилар, **Қозғистон Республикасидан 10 нафар** докторантнинг **Академияда** стажировкаси ташкиллаштирилди.

Академия фаолиятига кўплаб халқаро ва хорижий **экспертлар** жалб қилинган бўлиб, аксарияти узоқ муддатли ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Биргина, 2021 йилнинг 10 ойи давомида **20 дан ортик** халқаро ва хорижий **экспертлар** узоқ ва ўрта муддатларга жалб қилинди.

Хусусан, коррупцияга қарши кураш йўналишида машҳур халқаро эксперт **М.Кройтнер**, “Минтақавий мулоқот” ХНТнинг ҳуқуқ бўйича

эксперти **Г.Клименчич**, инглиз тили бўйича мутахассис **Д.Захаров**, Р.Валленберг номидаги Инсон ҳуқуқлари институти директори **З.Заланова** ва бошқа бир қатор етук мутахассислар таълим жараёнларида иштирок этди.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги халқаро эксперт (Германия), профессор **Б.Бауманни** АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) лойиҳалари доирасида Академия фаолиятига жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Прокуратура органларига жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганишда яқиндан ёрдам бериш мақсадида **ҳар ой якунига кўра** республика бўйича **20 дан ортиқ** жиноят турлари бўйича жиноятчилик таҳлили ўтказилиб, маълумот ва слайдлардан иборат тўпلام (дайджест) ишлаб чиқилиб, **10 дан ортиқ** услубий таклифлар илова қилинган ҳолда ҳудудларга ва тегишли таркибий тармоқларга тақдим этилмоқда.

Академияда Чилонзор ва Зангиота туманларидаги криминоген вазиятни барқарорлаштириш юзасидан **60 нафар** криминология, социология, жиноятчиликка қарши курашиш йўналишларида эксперт ва мутахассислардан иборат **Штаб** ташкил этилди.

Штаб томонидан ижтимоий тадқиқотлар учун **фокус гуруҳлар** фаолияти йўлга қўйилди ҳамда **миндан ортиқ шахслар** орасида сўровномалар ва тестлар ўтказилиши таъминланди.

Зангиота ва Чилонзор туманларида криминоген вазиятни барқарорлаштириш юзасидан **45 та банддан иборат йўл хариталари** ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

“Қизил” тоифага киритилган **43 та шахар-туманларда** криминоген вазиятни ўрганишга бағишланган ўқув семинар машғулоти ўтказилди.

Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари мисолида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш аҳволи ҳамда содир этилиши сабабларини ўрганиш юзасидан таҳлилий маълумотнома ҳамда амалий қўлланма тайёрланди.

Номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш аҳволи ҳамда содир этилиши сабабларини ўрганиш юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрланиб, **20 га яқин** амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Автохалокатлар сабабларини ўрганиш орқали келгусида уларнинг олдини олиш юзасидан илмий асосланган таклифлар тайёрлаш тизимини яратиш бўйича **методик қўлланма** ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори **лойиҳаси** ишлаб чиқилди.

Фарғона водийси вилоятларида 2020 йил давомида содир қилинган жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда уларни баргараф қилиш масалалари ўрганилиб, **ҳар бир ҳудуднинг криминологик хариталари ишлаб чиқилди.**

**Япония Адлия вазирлиги** билан қўшма лойиҳа доирасида ҳар ойда махсус ўқув семинарлари ўтказиб келинмоқда.

Фарғона вилоятида **840 та кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари хатна** тўйлари ташаббус қилинди.

UNODC иштирокида **Чилонзор** туманида “**Шаҳар шароитларида бехатар, инклюзив ва барқарор жамият учун хавфсиз бошқарув**” лойиҳаси амалга оширилиб, **10 нафар** ташқи эксперт жалб этилди. Лойиҳа якуни бўйича **3 тилда ҳисобот ва 2 та қўлланма** тайёрланди.

Тошкент шаҳрининг 12 та туманларида уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган сайёр ўқув машғулотлари ўтказилиб, унда **7250 нафар** ёшлар иштирок этди.

Шунингдек, ўтган даврда **15** та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди (қонун – 5, ПҚ/ПФ – 3, ВМҚ – 3, бошқа – 3). Хусусан, ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш бўйича **Қонун лойиҳаси**, иш топишда қийналаётган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини иш билан таъминлаш бўйича **Вазирлар Маҳкамаси Қарори лойиҳаси**, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда моддий мерос объектларини асраш ва сақлаш соҳасида назоратнинг замонавий механизмларини жорий этишга қаратилган **Ҳукумат қарори лойиҳаси** киритилди.

Академия расмий **веб-сайти** такомиллаштирилиб, унда интерфаол хизматлар кўрсатишни таъминлайдиган функционал жорий этилди. Хусусан, сайт орқали **магистратурага ҳужжат топшириш**, Ахборотномага **онлайн мақолаларни топшириш**, электрон **кутубхона хизматидан фойдаланиш** қайта алоқа механизмларини ўрнатиш имконияти яратилди.